“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
“Ўзмиллийбанк” АЖ Бувайда Банк хизматлари офиси мудири

Д.И.Абдуллаев

2026 йил “31” март

“Ўзмиллийбанк” АЖ Бувайда банк хизматлари офиси ходимларига ўтказилган

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ № 1

2026 йил “31” март Бувайда т.

Йиғилиш раиси: Д.И.Абдуллаев - “Ўзмиллийбанк” АЖ Бувайда Банк хизматлари офиси мудири;

Иштирок этдилар: У.А.Ибрагимов - “Ўзмиллийбанк” АЖ Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси, **М.И.Отажонов -** “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона вилояти Бош бошқармаси Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш бўлими бошлиғи;

Қатнашдилар: “Ўзмиллийбанк” АЖ Бувайда Банк хизматлари офисининг барча ходимлар. *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР

1. **“Ўзмиллийбанк” АЖ Комплаенс таваккалчилиги блокининг 2026 йил 12 март кунги 35-242-сонли “Аноним сўровнома бўйича” кўрсатмани ходимларга таништириш ва бу борада зарур профилактик чора-тадбирлар белгилаш.**
2. **Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш йўналишидаги масалалар.**

Йиғилишни “Ўзмиллийбанк” АЖ Бувайда Банк хизматлари офиси мудири Д.Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан “Ўзмиллийбанк” АЖ Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси У.Ибрагимов сўзни олиб, қуйидагиларни гапирди. Жумладан, “Ўзмиллийбанк” АЖ Комплаенс таваккалчилиги блокининг 2026 йил 12 март кунги 35-242-сонли “Аноним сўровнома бўйича” кўрсатмаси ижро учун юборилганини, мазкур кўрсатмада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига асосан, 2025 йил 8 ноябрь – 12 декабрь кунлари “Ўзмиллийбанк” АЖ Комплаенс таваккалчилиги блоки Коррупцияни олдини олиш бошқармаси томонидан банк истеъмолчилари, тадбиркорлар хамда кенг жамоатчилик ўртасида банк тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш мақсадида, google.forms онлайн дастури ҳамда

банкнинг расмий телеграм канали, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали аноним сўровнома ўтказилганини, сўровномада республиканинг барча худудларидан жами 1 152 нафар респондентлар иштирок этганини, улардан 41,4 фоизини давлат ташкилотлари ва идоралари ходимлари, 10 фоизи тадбиркорлик фаолияти субъектлари, 13,6 фоизи банк-молия соҳаси вакиллари, 4,6 фоизи ўқувчи ва талабалар, 4,4 фоизи вақтинча ишсизларни ташкил этганини, сўровномада банк фаолиятига таалуқли 17 та савол қўйилган бўлиб, шулардан 7 таси бевосита банкдаги коррупцион ва манфаатлар тўқнашуви масалалари билан боғлиқ ҳолатларга бағишланганини, вилоятлар кесимида респондетларнинг коррупцион ва манфаатлар тўқнашуви масалалари билан боғлиқ ҳолатларга бағишланган саволларга берган жавоблари ўрганилганида, банк хизматларидан фойдаланишда ***ортиқча бюрократик тўсиқлар*** мавжудлигини билдирган респондентлар орасида энг кўп овоз берганлар Тошкент шаҳри (40та), Навоий вилояти (19та), Тошкент вилояти (13та) ва Самарқанд вилояти (12та), банк ходимлари томонидан ***коррупция билан боғлиқ ҳаракатлар*** содир этилишига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан (4тадан), **Фарғона,** Навоий ва Қашқадарё вилоятлари **(3тадан)**, Бухоро, Самарқанд қилоятлари (2тадан), Қорақолпоғистон Республикаси, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари (1тадан) дуч келганликлари тўғрисида билдиришганини, коррупцион ҳолатларга дуч келганлар кўпроқ кредит маҳсулотлари, банк карталари, турли тўловлар жараёнлари хамда бошқа йўналишларни кўрсатишганини, банк ходимлари томонидан хизмат кўрсатишда ***"чой-чақа" ёки совға талаб қилганлар*** қаторида респондентлар Тошкент шаҳри, Қорақолпоғистон Республикаси, **Фарғона,** Самарқанд, Навоий, Наманган, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини кўрсатишганини, "Ўзмиллийбанк" хизматларидан фойдаланишда Тошкент шаҳри (15та), Навоий вилояти (9та), Самарқанд вилояти (6та), Тошкент вилояти (5та), Бухоро вилояти (4та), **Фарғона вилояти (4та),** Қашқадарё вилояти (3та), Қорақолпоғистон Республикаси (2та), Андижон вилояти (2та), Наманган вилояти (1та), Сурхондарё вилояти (1 та), Хоразм вилояти (1та) респондетлари "таниш-билишчилик" дан фойдаланганликлари эътироф этилганини, респондентлар банкнинг барча Бош бошқармаларида ***қариндош-уруғчилик ҳолатларининг мавжудлиги***ни хусусан, Тошкент шаҳри (27та), Навоий вилояти (15та), Тошкент вилояти (13та), Самарқанд вилояти (12та), Фарғона вилояти (9та), Қашқадарё вилояти (9та), Қорақолпоғистон Республикаси (7та), Жиззах вилояти (6та), Андижон вилояти (5та), Хоразм вилояти (5та), Бухоро вилояти (4та), Сирдарё вилояти (4та), Наманган вилояти (2та) ва Сурхондарё вилояти (2та)ни ташкил этганини, шу сабабли Фарғона вилояти Бош бошқармаси Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси томонидан аҳоли ва мижозлар орасида банкнинг коррупция ҳолатлари бўйича хабар беришга мўлжалланган махсус алоқа каналлари тўғрисида маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш масаласига алохида эътибор беришлари зарурлиги кўрсатиб ўтди.

У.Ибрагимов кун тартибидаги ўз сўзини давом эттириб, юқоридаги холатларга дуч келганлар кўпроқ кредит ажратиш, ишга қабул қилиш

жараёнлари хамда бошқа йўналишларида содир этилганлиги, шу муносабат билан келгусида банк ходимларининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, хусусан коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни доимий бартараф этиш лозимлигини, бунда асосий эътиборни кредит ажратишда банк ходимлари томонидан сунъий бюрократик тўсиқлар ҳосил қилиш ҳисобига пул маблағлари талаб қилиш ҳолатларини аниқлаш бўйича мижозлар ўртасида камида чоракда 1 маротаба аноним сўровномалар ўтказиб, сўровнома натижаси юзасидан манзилли чора-тадбирлар белгиланишини, виктимологик профилактика ўрнини ошириш мақсадида жисмоний ва юридик мижозлар ўртасида электрон калитлардан фойдаланиш, мижознинг хабарисиз кредит ажратишни тақиқлаш имкониятлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга маълум бўлган фирибгарлик ҳолатлари ҳақида семинарлар ташкил этилишини, тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиш, улардан келиб тушган мурожаатларни тахлил қилиш орқали коррупцияга мойил бўлган банк ходимларини рўйхатини шакаллантириб, ушбу ходимлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, тизимни янада рақамлаштириш натижасида эришилган ижобий тажрибаларни оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ва Республика бўйича тадбиқ этиш чораларини кўриш, Коррупцияга дуч келган ҳолатларда мурожаат қилиш мумкин бўлган алоқа каналлари рўйхатини шакллантириш, ушбу алоқа каналлари ҳақидаги маълумотларни хизмат кўрсатиш биносининг кириш қисмига, кўргазмали баннерларни жойлаштириш, шунингдек, ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиш ишларини жадаллаштириш бўйича айтиб, бу борада масъул мутассади ходимларга керакли топшириқлар бериб ўтди.

Шунингдек, У.Ибрагимов, янги ишга қабул қилинадиган ходимларни “vacancy.argos.uz” электрон платформаси орқали очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш қатъийлигини, ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, манфаатлар тўқнашуви олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш ва тегишли соҳасидаги ваколатли органни кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиш, Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича банкда муҳокамаларни ўтказиш, масъул ходимларга юклатилган вазифаларни бажарилиши ҳолати юзасидан тегишли ҳисоботларни эшитиш, ҳуқуқий тушунтиришлар бериш ҳамда тегишли соҳани “коррупциядан ҳоли ҳудуд”га айлантириш борасида ишларни аниқ манзилли режалаштириш лозимлигини кўрсатиб, ўз сўзини якунлади.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш бўлими бошлиғи М.Отажонов гапириб, банк ходимлари томонидан интизомга қатъий амал қилишлари, ишга белгиланган вақтдан кеч қолмасдан келиб-кетишлари, одоб-ахлоқ кодексига ва корпоратив этикага риоя қилишлари, хусусан мижозлар билан хушмуомалада бўлишлари, фирибгарлик, таъмагирлик, порахўрлик, воситачилик иллатларига йўл қўймаслик, мансаб ваколатини суиистеъмол

қилмасликлари, банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, кунлик кийиниш маданиятига амал қилиш, банкда ноқонуний операцияларни бажарилишини, банк ва мижозларнинг маблағларини ўзлаштириш хатарларини олдини олиш, ходимлар томонидан ички тартиб қоидаларига амал қилишлари бўйича қисқача тўхталиб ўтди.

Бундан ташқари М.Отажонов кун тартибидаги масала юзасидан ўз сўзини давом эттириб, ходимлар томонидан банк биносидаги сув, электр энергия, газни тежаб ишлатилишини, хар куни хизмат хонасидаги компьютер ва бошқа электр энергияга боғлиқ бўлган техникаларни ўчириб кетишлари юзасидан қатъий назорат ўрнатилишини, шунингдек ходимлар мехнат таътили, касаллик варақаси очилганида ёки бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган тақдирда, унга тегишли бўлган мухр, штамп, клише, электрон калитларни бириктирилган масъул ходимга белгиланган тартибда топширилиши юзасидан масъул ходимларга топшириқлар бериб, ўз сўзини якунлади.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Бувайда БХО мудири Д.Абдуллаев хамда Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш бўлими бош мутахассиси А.Абдуллаевлар ўз фикр-мулохазаларини билдиришди.

Мажлис сўнгида кун тартибидаги масалалар юзасидан

ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИ:

1. "Ўзмиллийбанк" АЖ Комплаенс таваккалчилиги блокининг 2026 йил 12 март кунги 35-242-сонли "Аноним сўровнома бўйича" кўрсатма мухокама қилинган деб хисоблансин хамда маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;

2. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви холатларини аниқлаш юзасидан хар чоракда камида бир маротаба аноним сўровлар ўтказиш, якунларини тахлил қилиб бориш ва натижаси юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб борилсин;

3. Келгусида ходимлар томонидан "чой-чақа" ёки совға талаб қилганлар ёки қариндош-уруғчилик ҳолатлари аниқланган тақдирда, зудлик билан хизмат текшируви ўтказилишини ва унинг якунлари бўйича айбдор ходимларга қатъий чоралар, хаттоки банк тизимидан салбий сабабларга кўра бўшатилишгача бўлган чоралар кўрилиши тўғрисида қатъий белгилаб қўйилсин;

4. Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида" ни Қонунга мувофиқ, банкларда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш, шунингдек Давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чоралари кўрилсин;

5. Банк филиалларида коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ва ташкил этилган махсус алоқа каналларини фуқаролар ва мижозлар орасида кенг тарғибот ишлари амалга оширилсин;

6. Банк томонидан коррупцияга қарши тарғибот ишларини мунтазам ташкил этиб борилсин;

7. Ишга қабул қилишда номзодларни танлаш хамда уларнинг касбга оид фазилатлари ва алохида хизматлари асосида хизмат поғоналарида кўтарилишининг шаффофлиги таъминлаб борилсин;

8. Банк филиалларида ходимларни хабардор қилмаган холда банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қоидаларига риоя этиши юзасидан "сирли мижоз"тадбирлари ўтказиб борилсин;

9. Банкда ва унинг тасарруфидаги БХМ, БХОларда коррупциявий омиллар доимий равишда тахлил қилиб борилсин хамда таҳлил натижалари асосида тегишли чора-тадбирлар белгилансин;

10. Ёнғин хавфсизлиги бўйича масъул ходимларнинг масъулияти оширилсин, хар куни ходимлар томонидан ишлатиладиган махсус техникалари кун якуни бўйича назорат қилиб борилсин;

11. Ходимлар мехнат таътили, касаллик варақаси очилганида ёки бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган тақдирда, унга тегишли бўлган мухр, штамп, клише, электрон калитларни бириктирилган масъул ходимга белгиланган тартибда топширилиши қаттиқ назоратга олинсин, мазкур талаблар бузилган тақдирда, зудлик билан хизмат текшируви тайинланиб, айбдор ходимларга интизомий чоралар кўрилиши таъминлансин;

12. Банк ходимлари томонидан интизомга қатъий амал қилишлари, ишга белгиланган вақтдан кеч қолмасдан келиб-кетишлари, одоб-ахлоқ кодексига ва корпоратив этикага риоя қилишлари, хусусан мижозлар билан хушмуомалада бўлишлари, фирибгарлик, таъмагирлик, порахўрлик, воситачилик иллатларига йўл қўймаслик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилмасликлари, банк ходимларининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, кунлик кийиниш маданиятига амал қилишлари юзасидан масъул ходимларнинг жавобгарлиги кучайтирилсин;

13. Мажлис баёни қарор қисмининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби: **А.Абдуллаев**

Бувайда БХО